



Татаристонда «Челны-Мясо» МЧЖ директор ўринбосари Илгиз Шакиров «Халол» белгиси остида чўчка гўшти ишлаб чикаргани учун ФАС республика бошкармаси томонидан 4 минг рубллик жаримага тортилди. Республиканинг Тўкаев район прокуратураси ўтказган текширув натижалари шундай бўлди, дея забар килади бошкарма матубот хизмати.

Татаристон бўйича ФАС бошкармасида изох беришларича, компания «Рекама тўгрисида»ги конуннинг бузилишига йўл кўйган, холос. Татаристон Муслмонлар диний бошкармасида ҳам «Челны-Мясо» МЧЖга нисбатан хеч қандай даъво йўклиги айтилди. Бошкарма вакиллари ўз текширувини ўтказди, жумладан, «Халол» стандарти бўйича махсулот ишлаб чикариладиган цех кўриб чиқилди.

Можаронинг бундай тезкор ечим топиши экспертлар даражасида баҳоланмаган, хусусан, бу қарор Татаристон Жамоатчилик палатаси аъзоси, МДБ раисининг собик ўринбосари Рустам Батров томонидан танқид қилинган.

ЕАDaily томонидан хабар қилинганидек, магазинлар пештахталарида «Халол» белгиси остида чўчка гўшт махсулотлари пайдо бўлиб, бу республика муслмонларининг диний туйгуларини ҳақорат қилганидан сўнг, «Челны-мясо»дан ишлаб чикариш лицензияси олиб қуйилган.